

## **Оилани қўллаб-қувватлаш ва ресурс маркази**

Оилани қўллаб-қувватлаш ва ресурс маркази алоҳида эҳтиёжлари бўлган болали оилаларга ёрдам бериш учун мўлжалланган. Марказда семинарлар ўтказиш, индивидуал ўқув дастури (IEP) ва оилага хизмат кўрсатиш индивидуал режаси (IFSP) масалаларига оид ёрдам бериш, ахборот тарқатиш, китобларни уйга берадиган кутубхона, ота-оналарга ёрдам бериш гуруҳларга кўмак бериш ва мавжуд хизматлар ҳақида маълумот бериш каби хизматлар таклиф қилинади. Марказ ўқув йили давомида душанба кунидан жума кунигача очик бўлиб, ёзда эса олдиндан ёзилиш тартибида ишлайди. Марказ манзили: Ascend One Building, 8930 Stanford Blvd., Columbia, 21045.